



ШОНЛИ АРМИЯМИЗ—ҒОЛИБ МУЗАФФАР, ЭЛЛАРГА, ЮРТЛАРГА КЕЛТИРДИ ЗАФАР!

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳибнаткорона ҳужум бошлади. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Совет — герман fronti иккинчи жаҳон урушининг асосий ва ҳал қилувчи йўналиши бўлиб қолди. Музаффар Совет Армияси боқинчиларнинг барча сараланган кучларини йўқ қилди. Фашистлар Германиясининг 507 дивизияси ва қўлаб бошқа қарам дивизиялари тор-мор қилинди.

Совет халқи Ғалабани осонлича қўлга киритмади, албатта. Тўрт йил мобайнида бўлган шиддатли жангларда СССР халқлари дўстлигининг ленинча намуналарини кўрсатди.

Москва ва Сталинград, Волга бўйлари ва Курск фронтдаги жангларда Совет халқи қаҳрамонлик кўрсатди. Украина ва Белоруссия ҳамда Болтиқбўйидаги жасо-

ратлар эл оғида дoston бўлиб қолди. Ғолиб Армиямиз Польша, Чехословакия, Руминия, Венгрия, Болгария ва бошқа мамлакатларни озод қилишда ўлмас мардлик намуналарини кўрсатди.

Буюк Ғалабанинг чорак асрлигини нишонлар энимиш ҳамшаҳарларимиз жасорати ва қаҳрамонлигини эсламай иложимиз йўқ. Турли миллат вакилларининг дўстлиги, аҳиллиги Ғалабани қўлга киритишда катта куч бўлди.

БУГУН

газетанинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида тошкентлик жангчилар ва журналистларнинг солдатлар жасорати ва қаҳрамонликлари ҳақидаги ҳикояларини ўқийсиз.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
6 МАЙ 1970 й.
ЧОРШАНБА
№ 106 (1174).
БАҲОСИ 2 ТИЯНН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҒАЛАБА МАДҲИ

БУГУН

Округ офицерлар уйига Улуғ Ватан уруши ветеранлари, қаҳрамонлар, томошбинлар, Туркистон ҳарбий округининг жангчилари келишди.

Бу ерда Германия фашизми ўстидан қозонилган Ғалабанинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон расмларининг асарлари кўргазмаси очилди. Улуғ Ватан урушининг буюк жасорати, совет кишиларининг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма экспонатлари манзараграфика, плакат жанрида яратилган асарлардир. Рассом В. Соседовнинг «Москва, 1941 йил» деган асари томошбинлар диққатини жалб этмоқда. Асарда Ватан учун адолатли курашга отланган кишиларнинг образлари яратилган. Рассом В. Петровнинг Москва остоналарида душман кучларини суриб ташлашга бағишланган асари «Атака» дейилади. Унда Совет Армияси жангчиларининг матонати, қуроли кучларимизнинг қудрати тасвирланади.

Булардан ташқари кўргазмада Городецкийнинг «1945 йил баҳори», К. Аминовнинг «Монумент сдида», А. Мельниковнинг 1942 йил солдатлари», А. Королевнинг «Ҳаёт номи билан» А. Балкнинг «Оталаримизга муносиб бўламиз» каби асарлари ўрин олган.

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика ҳарбий комиссиясида Улуғ Ватан уруши катташчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шухрат ордени кавалерлари билан тантанали учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда меҳмонларни республика ҳарбий комиссариати сибсий ишлар бўлимининг бошлиғи, полковник И. Мухомедов, Қўрғошун 25 йиллиги билан қизғин табиқлади ва Улуғ Ватан урушининг тарихий аҳамияти ҳақида гапирди.

Шундан кейин янги-йўллик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, собиқ жангчи У. Мусаев, уруш қаҳрамонларидан М. Қаримов, М. Саломов ва бошқалар у кунларнинг шоҳшухрати ҳақида ҳикоя қилдилар.

* Давр нафаси

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент аҳолиси фронтга ниманки зарур бўлса ҳаммасини етказиб берган эди.

Шаҳримиз меҳнаткашлари тинч қурилиш кунларида ҳам Ватанимизнинг кучига, қудратига-қудрат кўшмоқдалар. Бунга шу йил 11 апрелда ўтказилган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбаликда бажарилган ишларни айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Уша кун шаҳримиз корхоналарида уч миллион уч юз олти миш бир миш сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунга кўшимча равишда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бу ҳамшаҳарларимизнинг юбилей йилида Ватанимиз равнақи йўлида кўшган муносиб ҳиссасидир.

ВETERANЛАРИНИ ҚУТЛАШ

БУГУН

ОКтябрь РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОТ ЗАВОДИДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ҚУТЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бешларга машаққатли кинларда оlib борилган қаҳрамонона жанглар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Ветеранлар эҳтишоби келатган Ғалабанинг йигирма беш йиллиги арафасида муносиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ғайрати туфайли шу йилнинг тўрт ойи мобайнида бир юз йигирмата тепловоз ремонтдан чиқарилди.

КИТОБЛАР ҲИКОЯСИ

БУГУН

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ КУТУБХОНАСИДА УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Стендлардан Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг кўрсатган мислсиз жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп китоблар ўрин олган.

Кўргазманинг «Ўзбекистон қаҳрамонлари» деган бўлими экспонатларга бой. Унда Зинченконинг «Темир Ходив», И. Пулатовнинг «Коммунистар олган», И. Кургузовнинг «Шухрат ордени кавалерлари» каби китоблари бор.



ҒОЛИБЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР

ХАРИДОРЛАР ҚУВОНЧИ

Шаҳримизнинг Қуй-бишев районидagi «Троцкий поворот» даҳаси меҳнаткашлари бахт ва шодлик байрами бўлган Биринчи Май байрами шодибаналари кунларида ақойиб соғва олишди. Даҳада янги озик оғдат магазини куриб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий қилиб қурилган бу магазиндан харидорлар кўнгли тусанган озик-оғдат маҳсулотини харид қилиши мумкин.

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

5 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида матбуот кунига бағишланган тантанали йиллиги бўлди. Журналистлар, ишчи ва қишлоқ муҳбирлари, нашриётлар ва полиграфия саноатининг ходимлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бу ерга тўпланишди.

Йиллигини Тошкент обдлаш партия комитетининг секретари, Б. А. Абдуразақов очди. КПСС Ленинчи Марказий Комитетининг Сибсий Бюроси гулдурас қарсақлар остида фахрий президиумга сайланди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев матбуот кунини тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

МАНЗИЛ ЯҚИН

Энгельс шаҳридаги Урицкий номи завод машинасозлари ишлаган «ЗИУ-5» троллейбуси ўзининг бежиримлиги, ҳайдовчи ва йўловчиларга қўлайлиги билан шухрат қозонган. Шундай юмшоқ ўрнидиқли троллейбуслардан шаҳримиздаги биринчи троллейбус депосида бир юз ўттиз иккита бор эди. Кунин кеча эса уларнинг сонин бир юз ўттиз саккизга етди. Энгельс шаҳридан юборилган яна олтита машина Тошкент товар станциясида тушириб олинди. Йил охирига бориб юмшоқ ўрнидиқли машиналарнинг сонини бир юз еттига етказиш кўзда тутилмоқда.

Янги олинган «ЗИУ-5» маркали троллейбуслар 1, 4, 5-маршрут орасида ҳамшаҳарларимизни иргузгани яқин қилипти.

НОРОЗИЛИК МИТИНГИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг неча мишга меҳнаткашлари Америка кўшчиларининг бетараф Камбоджага қўл куч билан бостириб кирганлигига қарши норозилик билдириш учун 5 майда митингга тўпланишди. Комбинат партия комитетининг секретари Н. А. Фомина митингнинг очиб, Камбоджадаги аҳвол муносабати билан Совет ҳукуматининг баёноти сўзлаб берди.

Ишчилар, инженерлар, техниклар бирин-кетин сўзга чиқдилар. Улар тўқимачиларнинг фикрини изҳор қилиб, Совет ҳукуматининг баёнотини қизғин маъқуллайдилар. СССР халқлари, Совет давлати Камбоджанинг бетарафлиги ва мустакиллигини, унинг суверенитетини ва территориал бутунлигини доим ҳурмат қилиб келатганликларини тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар халқро жанглар ролини ошқора бажарётган АҚШ нинг разил хуружларини қоралладилар. АҚШ ўзининг агрессив ҳаракатлари ва ивгоарликлари билан Хитой халқларининг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини оёқ ости қилмоқда.

Тошкент тўқимачилари йиллик билан қабул қилинган резолюцияда АҚШнинг Камбоджада сурбетларча қилаётган бебошлигини қатъий қоралладилар ва агрессивнинг кўшчиларини Камбоджа территориясидан олиб чиқиш кетилсин, деб таълаб қилдилар. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОҚШОМИ ОҚШОМИ ОҚШОМИ ОҚШОМИ ОҚШОМИ

- Биз, КПСС Марказий Комитетининг қуйида имзо чеккан аъзолари корхоналар, қолхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртли коллективларидан, шунингдек сайловчиларнинг округ сайлов олди ташаббусларидан ҳар биримиз алоҳида-алоҳида мактуб ва телеграммалар олдик. Улар бу мактуб ва телеграммаларида бизни бир қатор сайлов округларидан саккизинчи чакриқ СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларини хабар қилдилар ва ана шу округлардан овозга қўйилиш учун розилик беришимизни сўрайдилар.
- Бизни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган ишчиларга, қолхозчиларга, инженер-техник ходимларга, хизматчиларга, барча сайловчиларга самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз. Биз ўзимизга инсонлар изҳор қилинган юксак иззат-ҳурмат ва ишончли тамомили шонли Коммунистик партиямиз шаънига деб биламиз ва бу ишончли совет халқини қўлиб ишонч билан Ленин йўлидан коммунизм тантанаси сари олиб бораётган партия сибсатини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигини исбот этувици далил деб ҳисоблаймиз.
- Ҳар биримиз фақат битта сайлов округида овозга қўйилишимиз мумкин бўлганлиги сабабли КПСС Марказий Комитети бизга қуйидаги сайлов округларида овозга қўйилиш учун розилик беришни тавсия этди:
- БРЕЖНЕВ Л. И.** — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Бауман сайлов округи.
- Воронов Г. И.** — Иттифоқ Советига, Новосибирск—Октябрь сайлов округи.
- Кирпленко А. П.** — Иттифоқ Советига, Свердловск шаҳри, Свердлов—Учалов сайлов округи.
- Косигия А. Н.** — Миллатлар Советига, Москва шаҳар сайлов округи, РСФСР.
- Мазуров К. Т.** — Иттифоқ Советига, Минск шаҳри, Минск шаҳар биринчи сайлов округи.
- Пельше А. Я.** — Миллатлар Советига, Киров сайлов округи, Латвия ССР.
- Подгорный Н. В.** — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Ленинград сайлов округи.
- Полянский Д. С.** — Миллатлар Советига, Краснодар сайлов округи, РСФСР.
- Суслов М. А.** — Иттифоқ Советига, Ленинград шаҳри, Киров сайлов округи.
- Шелепин А. Н.** — Миллатлар Советига, Ленинград шаҳар сайлов округи, РСФСР.
- Шелест П. Е.** — Иттифоқ Советига, Киев шаҳри, Киев—Жовтневе сайлов округи.
- Андропов Ю. В.** — Иттифоқ Советига, Москва область, Кашир сайлов округи.
- Гришин В. В.** — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Перовский сайлов округи.
- Демичев П. Н.** — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Дзержинский сайлов округи.
- Кунаев Д. А.** — Иттифоқ Советига, Олмаота шаҳри, Олмаота—Ленин сайлов округи.
- Машеров П. М.** — Миллатлар Советига, Минск—Совет сайлов округи, Белоруссия ССР.
- Ижванадзе В. П.** — Миллатлар Советига, Тбилиси—Киров сайлов округи Грузия ССР, Рашидов Ш. Р. — Миллатлар Советига, Тошкент Ленин сайлов округи, Ўзбекистон ССР.
- Устинов Д. Ф.** — Миллатлар Советига, Ленин сайлов округи, Удмуртия АССР.
- Шчербинский В. В.** — Иттифоқ Советига, Киев шаҳри, Киев—Ленин сайлов округи.
- Капитонов И. В.** — Иттифоқ Советига, Иваново область, Кинешемский сайлов округи.
- Катушев К. Ф.** — Иттифоқ Советига, Горький шаҳри, Совет сайлов округи.
- Кулаков Ф. Д.** — Иттифоқ Советига, Ставрополь ўласи, Петровский сайлов округи.
- Пonomareв Б. Н.** — Миллатлар Советига, Калинин сайлов округи, РСФСР.
- Соломенцев М. С.** — Иттифоқ Советига, Ростов область, Шахтинский сайлов округи.
- Саккизинчи чакриқ СССР Олий Советига сайлов ўтазувчи тегишли округ сайлов комиссияларидан бу хатин депутатликка номзодларни рўйхатга олиш вақтида хужжат деб биллиши сўраймиз.
- РАШИДОВ Ш. Р.**
УСТИНОВ Д. Ф.
ШЧЕРБИНСКИЙ В. В.
КАПИТОНОВ И. В.
КАТУШЕВ К. Ф.
КУЛАКОВ Ф. Д.
ПОНОМАРЕВ Б. Н.
СОЛОМЕНЦЕВ М. С.
- 1970 йил, 5 май.

ЖИДДИЙ СИНОВ

БУГУН

«Беш сўмлик келиш» деб номланган бу спектакль Озарбайжон драматурги Ордубодий асарини асосида сахналаштирилди. Асарини Ўзбекистон халқ шoirи, Ленин мукофоти лауреати Гафур Гулом таржима қилган.

Институт ўқитувчиси М. Фатхоев сахнага қўйган бу спектакль бўлажак санъаткорлар учун жиддий маҳорат синови бўлди.

МУСОБАҚА ҚИЗГИН

Маълумки, В. И. Ленин да, Авиация заводи 6-пехнининг И. Гаттаров мастер бўлган группа ишчилари ҳам ана шу ташаббус асосида ишлаб меҳнатда яхши кўрсаткичларни қўлга киритибдилар, Улар юбилей йили тўрт ойлик топширигини мuddатидан йигирма кун илгари адо этишди. Ҳозирги кунда май ойининг охиригича кунлари ҳисобига меҳнат қилинапти.

Группа коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номин олиш учун курашиб, ички резерварини нишга солаётир.

Группанинг М. Нигмадиянов, К. Фанназаров, А. Шадрини сингари илгорлари смена топшириқларини ошириб адо этиб, барчага намуна бўлишапти.

